



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 24 июль
Чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 152 (2980)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Президент жаноблари,
Миллий байрам муносабати билан менга йўлланган табрикдан бағоят таъсирландим.

Мамлакатларимиз ўртасидаги барча соҳаларни қамраб олган ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган бунёдкорлик қатъиятинингизни қувватлайман. Сўнгги йиллар давомида Франция ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар янада ривожланди. Бунга 2001 йилнинг июлида савдо айирбошлашни янада қўлайлаштиришни рағбатлантириш мақсадида тузилган ҳукуматларaro кўчмасодий ишчи гуруҳи далил бўла олади.

Маданий ҳамкорлик соҳасида Тошкентда Марказий Осиёни тадқиқ этиш Француз институтининг очилиши, Ўзбекистон тарихи ва бебаҳо меросини янада мукаммал ўрганишга, шунинdek, мамлакатларимиз тадқиқотчилари ва мутахассисларини ақиллаштиришга қўмаклашади. Сизнинг раҳбарлигингиз билан амалга оширилаётган ўзгаришларга, демократик, очиқ ва фаровон Ўзбекистонни бунёд этишга интилиб, Франция давлат бошқаруви соҳасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлайди.

2001 йилнинг 11 сентябрь воқеалари терроризмга қарши курашдаги халқаро ҳамкорликка янги туртки берибди. Бу жиҳатдан Ўзбекистон ва Франция зиммаларига юксак масъулиятни олдидлар. Ушбу савб-ҳаракатлар шерикчилик ва умумқадриятларни эъзозлаш руҳида давом этиши ҳамда мудофаа ва қуролланиш соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўмак бериши лозим. Ташқи ишлар ва Мудофаа вазирлиқларининг қўшама хайбати мамлакатларимиз ўртасида стратегик мулоқот ўрнатилганга имкон яратлади.

Президент жаноблари, менинг чўқур ҳурматимни қабул қилишингизни сўрайман,
Самимият билан,

ЖАКШИРАК

Париж,
2002 йил 19 июль.



Бунёдкор шаҳар

Бугунги Нукус ва бу азим шаҳарда олиб борилаётган завороти ишларни кўриб, бектеёр қорақалпоқ халқининг атоқли шоири Бердимурод Қарабой ўғли — Бердақнинг кўнглидаги мисралари ёдимга тушди:

Ишни ишла, туғилгансан эл учун,
Жонингни аяма, элда эр учун,
Киндик қони томган азиз ер учун
Туғилган ер учун ҳурмат яхшироқ.



Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нукус шаҳрининг 70 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш тўғрисида»ги қарорига ҳам икки ярим ойдан ошди. Шу асосда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳам қарори қабул қилинди ва уларнинг ижроси юзасидан ишлар бошлаб юборилди. Қорақалпоқ аҳли бугун «киндик қони томган азиз ер

учун», унинг янада қиёвий очиб, ўзлаштириб бориши учун астойдил тер тўкмоқда.

риқ, кўрсатма, куч ва мадд олиб шаҳарнинг ҳамма бурчакларига — улкан қурилиш ва бунёдкорлик сари шошладим.

— Хар кун эртаб ҳокимиятда штаб йиғилиши бўлади, — дейди шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Турғунбой Болтаев. — Унда биз кунлик иш режаларимизни белгилаймиз, жойлардаги иш суръати билан танишамиз, муаммолар, камчиликлар шу ерда ўртага ташланади, уларни бартараф этиш чоралари қурилади.

Ҳозир Қорақалпоғистон Давлат санъат музейида жуда катта ҳажмда ишлар бажариляпти. Ушбу санъат музейи қурилишини тугатилганга ва амфитеатр сўрилганига 870 миллион сўм миқдорига маблаг ажратилган. Бундан ташқари шаҳарда 5 та хиброн барпо этилиши керак. Ҳозир шуларнинг учтасида таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Бердақ номи театр ва аэропорт ҳам тула қайта таъмирланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, шаҳар бўйлаб юрсангиз, хар бир кўчада, хар бир маҳаллада қурилиш бўлаётганини кўрасиз. «Халқ таълим» майдонидан тер тўқиб ишлаётган йиғитни сўбатта тортиш.

— Исмим Халмурод, — дейди у. — Хар кунги шу ердан: Насиб қилса, бизнинг Нукус ҳам 70 йилда қирчилма қиёфага кирди. Бизнинг қимдан камимиз бор? Ана шу ўй ва мақсад бизга янада куч қувват ато этмоқда.

— Нукус шаҳрини яшатириш, унинг бир ҳиссига ўн хусон қўшилиши бизни элгиз эмасмиз, — дейди ҳоким ўринбосари. — Ҳокимиятимиз, маддиётларимиз кўп. Масалан, республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзпактасаноатсотиш» ассоциацияси ўз ҳисобларидан шаҳарда хар бири 20 хонали ўй кўриб бериш ниятида. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси юқори босимли электр узатувчи подстанциялар қурилиши ва таъмирлаш фаол иштирок этади. Хуллас, бу хайрли ишда бутун мамлакат қатнашади, деса муболага бўлмайд.

Бугунги кунда Нукусдаги кутубхона ҳам, касалхонаю, театр ҳам, мактаб ва коллежлар ҳам янгича қўрилиш, янгича либос киймоқда. Кичик йўл ва йўлакдаги оқий чироқча — ҳамма-ҳаммаси ҳисоб-китоб қилинган. Аниқроқ айтганда, Нукус шаҳридаги хар бир қарий ерининг ўз «эгаси», ўз «ҳўжайини» бор. Турги, катта миқдосдаги тадбирнинг ҳам ўз муаммолари мавжуд. Бирок буларнинг барчасини шаҳар штаби ўз вақтида аниқламоқда ва жамоатчилик кучига таяниб, уларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўрмоқда.

— Бердақ шоир айтганидек, бугун Нукус аҳли эл учун ва шу азиз ер учун, уш овод ва фаровон заминга айлантириш ушун астойдил тер тўкмоқда. Тўй сиз тобора яқинлашмоқда.

Э. БОЛИВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўқинг!

...Шунча нуфусни боқиб, кийдириш ва иш билан таъминлаш учун пахтаю галланинг ўзи кифоя қилармикин?

2-бет

Абдулла Раҳмонов фиръавларнинг ёки князларниқидан ҳам кўра ўз қишлоғининг тарихини, ўз шаҳарасини кўпроқ ўқийди.

4-бет

«Халқ сўзи» назоратида

Газетанинг шу йил 19 июль сонидида К. Эшматовнинг ушбу сарлавҳа остида чоп этилган мақоласи Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ҳўдийи коммунал фойдаланиш бўлимида атрофлича муҳокама қилиниди. Мутахассислар манзилларга чиқиб, ҳақиқий аҳвол билан танишибди. Мавжуд камчиликларни тўғатиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиди, дейиладиган билашима бош директори Е.Норматовнинг тахририятга ёзган расмий жавобиди.



Томи тешик «дом»лар қолмади...

Унда таъкилланишича, мақолада кўрсатилган камчиликлар юз фойз бартараф этилган. Томи тешик «дом»лар таъмирланиб, «таътилга чиққан лифтиларнинг ишлаши таъминланган.

— Ҳақиқатан ҳам, мақолада коммунал ҳўжалигига оид шу кўннинг энг долзарб муаммолари кўтарилган. Бирлашма ёгин-сочинли кунлар бошлангунга

қалар чакки ўтадиган томларни таъмирдан чиқаришни режалаштириди. Бу ишларни амалга оширишда шаҳар ҳокимияти катта ёрдам бермоқда, — дейиладиган жавоб хатиди. — Шунингдек, «Тошкентлифт» трестига мақсадли маблаг ажратилиб, фойдаланиш мuddатлари ўтиб кетган юздан ортиқ лифтиларни таъмирдан чиқариш кўзда тутилган. Бугунги кунга келиб, трестга бутламалар со-

тиб олиш учун 130 миллион сўм ажратилган ва ишлар бошлаб юборилган. Бундан ташқари, тахририятимизга Чилонзор, Бектемир туманлари ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари Г.Исмоилов, А.Абдуқодировлар ҳам жавоб йўлашибди, мақолада кўрсатилган камчиликлар тугатилганини маълум қилишган.

ЭР ЮЗИНИ ЕР ОЧАР

Дехон даласига дуо кетган. Ризки насибаси, некбинлиги, бойлиги даладан, Бошқаларини айтмаганда ҳам, хатто саратоннинг толтуви жазирасида лапир-лапир эпкин эсиб, иссиқ дамини кесиб турди. Дарахлар өлпичиб бўлиб, юрган йўлида дехонга малад береди.

Анчадан бери очик далага чикмаганим сабабини ёки шаҳарнинг муздай совутичилирига ўрганганим учунми, кўш нақ пешонамга кўниб олгандек ўтайд.

Деким кўрганларим, кўрайтганларим руҳимни кўтарди, кўнглим равшан тортиди.

«Ер ўзиники бўлганидан сўнг далаг ҳам рўзгориндек азиз бўлиб қоларкан. Унингга қалам қўйганимда юз-қўлингини ювиб кирасан. Далага ҳам пок бўлиб қалам қўйганга нима етсин?», дейди Анорбой ҳожи.

«Ер гў энг адолатли бир дўст, дейман. Яхшилик қилсанг — рушнолик қўрсан, ёмонлик қилсанг — жазосини тортасан, алдасанг — алданасан. Базан «Лин-қола»ни миниб дала айланаман. Кўнглим яйраб кетди. Маршда далами кузата туриб, «Юртбошимиз бошчилигида давлатимиз, халқимиз Мустақиллик кўргонини тиклади. Мустақиллик менга ўшаган минглар одамларга ер берди. Ер менга ризку насиба ўлашди. Мана шундай мошина миндирди. Илоё, бахтимизга, Эркимизга кўз тегмасин, деб астойдил ният қилман». Бу — олим дехон Турғунбой ақининг фикри.

Улар бу гапларни сўхбат орасида айтиб ўтишди. Лекин кўнглимга айни шу гаплар ўрнашиб қолди. Кейин билдимки, бу гаплар бекорга айткнмабди.

Журналист эгги, қалам аҳди бир айрича фазилатга эга. Узини бошқа одамнинг ўрнига қўйиб қўришга мойил. Уларнинг ўрнида бўлсам, мен нима деган булардэм? Очинг, менкининг олдига буларнинг гапи ҳольва бўлиб қолар эди. Оёгим остида, ўзимизникидан ташқари, қўша-қўша чет эл машинаси бўлса. Трактордан ториб комбайнча ўзиники бўлса. Омборимда галлам, хирмонда пахта, полизда сазваотим, қассада миллионлаб пулим бўлса, осмонни ўяр-


дим-ов, дейман ичимда. Дехон бизга ўхшаб гапта тўн кийдириб ўтирмайди. Унинг сўзи — иши даласидаги галласи, эгалиги пахтаси. Энди гапнинг индаллосига қайтайлик. Анорбой ҳожи Усмонов ҳам, Турғунбой Мадиров ҳам Тошкент вилояти Урта Чирчиқ тумани фермерларида.

Анорбой ҳожи билан унинг дала шийпониди сўхбатлашдик. Бунгача туман ҳокими Максим Тиллабоев билан телефонда гаплашдик. Биз борилган кўралдан жойларимизни аниқлаб олдик. Кези келганда, айтиб қўйди. Далада иш қайнаган кезлари фермерни топшидан кўра ҳокимни топши бўлсан қийинроқ. Буни тушуниш мумкин. Нимага, фермернинг даласи битта. Ҳоким бир далага чиқса, ҳўжаликма-ҳўжалик айланиб кетаверади. Унинг ҳам хар кунги ўй-режаси бор. Фермерга даласи азиз бўлганидек, ҳокимга ҳам бутун тумани ардоқли. Шу боис ҳокимнинг режасини бузиб ўтирмадик.

Хуллас, шийпониди сўхбат мазмуну бундай: Анорбой ҳожи «Ҳақиқат» ширкат ҳўжалиги ҳудудиди «Усмон ота» фермер ҳўжалиги раиси. Асосан дехончиликка мўждалланган. Уш олий маълумоти инженер-механик. Дехончилик — отамерос. Етти йил тракторчи бўлиб ишлаган. Етти йил бригадирлик қилган. Етти йил механик бўлган. Фермерлигига уч йил бўлди. Ери — 120 гектар. Олтмиш беш гектари пахта. Элик гектари галла. Ороққ туеги ҳам бор. Битта «Олтой», битта ҳайлов, учта «Беларус» трактори ўзиники. Кейинги иккитасини шу йил бошида 12 миллионга сўйиб олди.

Шу сонга хабар!

Кеча Тошкент аэропортига чиқмадингиз-да? Мен чиқдим. Самолёт пилла-повларидан мағрур тушиб келаётган Ватанимиз спортчиларини бағримга босгим келганди. Ахир улар бутун қиъгани лол қолдиришди.



Ўзбек полвонлари — Осиёда биринчи

Гап шундаки, кунги кеча Таиландда оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпиолати ниҳоятиса етди. Унда мамлакатимиз вакиллари 4 та олтин, 5 та кумуш, 3 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида фахрли БИРИНЧИ ўринни эгаллашди.

Терма жамоа бош мураббийи Рашид Маткаримовнинг таъкилланишича, хар бир полвон галабага муносиб улуш қўшган. Улар орасида, айниқса, Нурилла Тоғев (62 кг.), Фуркат Саидов (77 кг.), Вячеслав Тен (85 кг.) ва Руслан Алпанов (51 кг)лар номини алоҳида тилга олиш мумкин.

Мақтанса арзигулик медаллар

Яна бир хушхабар Ганновердан келди. Германияда ушбу шаҳарда спортнинг кема модел-созлиги бўйича жаҳон чемпиолати ташкил қилинди. Узига хос мусобақада юртимиз шайнини ҳимоя қилган республика «Ватанпарвар» ташкилоти тарбияланувчилари Шавкат Исмагулов ва Андрей Разудовский биттадан олтин медални қўлга киритган бўлса, Ноил Ҳакимжонов бирданга иккита бронза медалининг эгаси бўлди. Денгиздан узоқ мамлакат фарзандларининг кема модел-созлигидаги маҳоратидан гурурланасак арзийди, назаримда.

Озод БЕК,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДИККАТ!
БЕВОСИТА МУЛОҚОТ: **АДЛИЯ ВАЗИРИГА**
ГАПИНГИЗ БОРМИ?
Муҳтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари!

Мамлакатимизда қонуи устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар сизни қизиқтирадими?
Тадбиркорларнинг қонуи ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги муаммолар ечимда қандай саволлар туғилмоқда?
Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш борасида қандай тўсиқлар мавжуд деб ўйлайсиз?
Хуллас, адлия тизимидаги ўзгаришлар, ислохот олдмларига оид савол, таклиф,

Мулоҳазаларингизни баён этиш ниятингиз бўлса, 2002 йилнинг 30 июль кунги соат 10.00 дан 12.00 гача 133-13-05, 133-51-76 рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг. Сизни адлия вазир Абдусамат Полвон-зода шахсан эшитади ва саволларингизга жавоб беради.

Агар саволларни олдидан бериб қўймоқчи бўлсангиз, тахририятимиздаги 136-07-94, 133-09-97 телефонлари ёки 133-09-85 факс орқали мувожаат этишингиз мумкин.

БЕВОСИТА МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ!

2002 йил — Қарияларни кадрлаш йили



Абдувоҳид Тўраев (ЎзА) сурат-ловҳаси.

Ҳаққон шохларига улуғворлик бор...

Телефон кўнгириги олатгадек жинглиди. Гушакни кўтараман. — Ассалома алайкум, болам! Бу — ота! Газетамизнинг жамоатчи муҳбири, айни чоқда чин муҳлиси Зайниддин Исамухамедов. Салом-алиқанд сўнг ота мақсадаг кўчалар.

Балки сиз ҳам Зайниддин отанинг бир-бирдан ўқишли мақолаларини ўқиган чикарсиз... Ота қай бир мавзуга қалам урмасин, ўқиб-ўрғанади, изланади ва ана шу изланишлар самараси ўлароқ юзлаб, минглаб газетхонлар севиб ўқийдиган мақолалар дунёга келади.

Гарчанд отахон саксон беш ёшни қоралаган бўлсалар-да, тиниб-тинчимайдилар. Пойтахтимиздаги "Янгиобод" маҳалласи фаолларидан. Турли хил йиғинлар, тую маъракалар отанинг иштирокида, маслаҳатлари сиз ўтмайди. Қолаверса, ота бош бўлган хонадон нафақат Шайхонтоҳур туманида, балки пойтахтимиздаги энг ибратли оилалар сирасига кирди.

Безовта қалбли отахон

Мафурабиннинг вафотидан сўнг эса қаламга аяна суяниб қолдим. Мухбирлик менинг биринчи касбим.

Дарҳақиқат, отахоннинг касб-корлари ҳақида. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ маорифи аълочиси. Унинг мактабда бошланғич синф ўқитувчилигиндан бошланган илк фаолияти олий ўқув юрлари аудиторияларида лекциялар ўқиш билан янада бойиди. Бутун отанинг юзлаб шогирдлари юрт равақини фидокорона меҳнат қилаётган филолларидир.

— Улар орасида Т. Соатовдек академиклар, А. Убайдуллаев, У. Зокиров, У. Насруллаевдек профессорлар бор, — дейдилар мафурабиннинг ўғли Ж. Исамухамедов. — Улар мени тез-тез йўқлаб туришди. Шогирдларимнинг "Устоз" дея мурожаат қилишларидан турсада ҳам жамоада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ота билан хайр-хўшлашарканман, "Яна узоқ йиллар ана шундай безовта қилиб туринг, отахон!" дейман.

Мавжуда ХОЛМАТОВА, "Халқ сўзи" муҳбири.



ТОШҚИН ТАШВИШИ

Бу йил ҳам Россияда ёз серёмғир келди. Айрим ўлкаларда дарёлар ўзанини бузиб, халқ ҳўжалиғига катта зарар келтирмоқда. Одамлар ҳаёти хавф остида қолмоқда. Ана шундай табиий офат Жанубий федерал округида юз берди. Офат натижасида 113 киши ҳалок бўлиб, 333 минг киши зарар кўрди.

Тошқин туфайли 106 минг киши ўз уйини тарк этишга мажбур бўлди. Аниқланишича, аҳоли истиқомат қилувчи қирқ мингдан ортиқ турар-жой биноси вайрон бўлган. Минглаб гектар экин майдонлари сув остида қолган.

Айни дамда аянчи аҳолига келиб қолган Ставрополь, Шимоллий Осетия ва Кабардин-Балқария аҳолисинга фақуллода ёрам кўрсатилмоқда. Аҳолининг кундалик эҳтиёжини қондириш учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, ки-йим-кечак, дори-дармон етказиб берилмоқда.

Бошпана масаласи ҳали тўлиқ ечим топгани йўқ. Фақуллода вазиятлар вазирилик шикастланган барча уйлари икки ҳафтада ўз ҳолига қайтаришга ваъда берган. Одамлар эса ҳозирча табиий офатнинг энг қийин даври ўтиб бўлганидан хурсанд.

Таассуфки, сув тошқинлари Россиянинг бошқа ўлкаларида ҳам юз бермоқда. Қуни кеча Узоқ Шарқдаги Приморье ўлкасида ҳам давоми ёмғир тошқин келтириб чиқарди. Метёридан уч-тўрт баробар кўп оқаётган сув шаҳар ва қишлоқларга бостириб кириб, халқ ҳўжалиғига катта зарар келтирмоқда. Бу ерда ҳам сувга яқин жойлашган қишлоқ ва шаҳарчалар хавф остида қолган, маҳаллий маъмурият фақуллода вазият эълон қилишга мажбур бўлди.

Об-ҳавони ўрганишчиларнинг таъкидлашича, сўнгги кунлари дарёлардаги сув миқдори анча пасайган. Бироқ қувонингга ҳали эрта. Чунки Россия жанубини қаттиқ ёмғирлар қубит турибди. Шарқдан яқинлашиб келаётган довул туфайли қучли ёмғирлар қўпайиши мумкин.

Россияда кечаётган воқеаларни кузатган киши анча йиллардан буён тоқ кўтарилиб, тоқ пасайиб келаётган сув миқдорини эслаши тайин. Сувинг ҳаддан ташқари қўпиги шундай улкан муаммолар келтириб чиқараётган экан, нега уни буткул бартараф қилишга уриниш йўқ?

Россия Сибирдаги айрим дарёларнинг бир қисм сувини Марказий Осиё томон буриш ҳақида матбуотда илгари ёзилган. Бу иш амалга осса, рус заминидagi миллионлаб гектар ерни эгаллаб ётган боққорлар ўзлаштирилиши, янги иш ўринлари очилиши, тошқинлар қамайиши табиий. Сибирь суви жанубга бурилса, Марказий Осиёдаги чанқоқ ерлар ўзлаштирилиб, уларда етиштирилган сифатли ҳамда арзон қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларидан совуқ ўлка аҳли ҳам баҳраманд бўларди.

Ҳозирча эса сурункали тошқинларнинг охири кўринмапти. Шаҳноза МАТНАЗАРОВА, ЎзА шарҳловчиси

Фан — кишлоқ ҳўжалиғига Толаси — тилло, чигити — мой

Бугунги кунда жаҳон бозорига пахта толаси сифатида алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу боис олимларимиз эртапишар, тола чиқими ва чигитининг ёлдиллик даражаси юқори, касаллик ва зараркундаларга чидамли, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган гуза навларини яратиш йўлида тизимсиз изланишлар олиб бораётир.

Ўзбекистон гуза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти олимларининг янги навлар яратиш, сифатли уруғлик ва пахта етиштиришнинг технологик жараёнини таҳомиллаштириш, чигитини экинга тайёр-дас ва сақлашнинг илмий асосларини яратиш соҳасидаги ишлари, айниқса, эътиборга лойиқ.

Нав яратиш жараёнининг дастлабки босқичларидан бошлаб тола сифатини аниқлаш имконини берувчи замонавий лабораториянинг ишга тушиши фаолиятимиз ривожига муҳим аҳамият касб этди, — деди мазкур институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Шоолмон Номозов ЎзА муҳбирига. — Натўжда авмухбирга, — Натўжда авмуналарига нисбатан имкон туғилди. Кейинги йилларда хоржий мамлакатлардан беш мингдан зиёд нав на-



Муналари олиб келинди. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилиб, икким шароитимизга мос жиҳатлари аниқланмоқда.

Бу борда "Қарши-8", "Омад", "Оқдўғрон-2" сингари қўлпаб янги гуза навларини тила олиб ўтиш жоиз. "Сурхон-6", "Сурхон-8", "Қарши-9" сингари илгичка толали навлар эса эртапишарнинг билан ажралаб туради. Ҳозирги кунда бундай ўнлаб янги нав қарийб олти юз минг гектар ерда парвартишланмоқда. Худудлар икким шароитига мослаштирилган бундай навларни экиндан олинган иккимсодий самарадорлик бир йилда беш миллилард сумми ташкил этапти.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎзА муҳбири

ЭҲТИРОМ

Нукус шаҳрининг 20-маҳалла гузарига аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлади. Бу ерда сартарошхона, кийимларни кимёвий тозалаш, тикувчилик цехи, стоматология кабинетлари аҳолига беминнат хизмат кўрсатмоқда.

Эътиборлини шундаки, маҳаллада яшовчи қарияларнинг барчаси ундаги хизмат турларидан бепул фойдаланадилар.

Манший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг "Нуруний" жамоатсаси шаҳар бўлими ҳамда маҳалламиз ҳудудидagi ташкилот ва корхоналарнинг ҳомийлигида бунёд этилик, — деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мамбетмурод Идрисов. — Маҳалламиз аҳли мустақиллигимизнинг 11 йилдиги ҳамда шаҳримизнинг 70 йилдиги тўйига муносиб ҳозирлик кўрмоқда. Кўча ва хиёбонлар ободонлаштирилмоқда, ҳовли-жойлар саранжом-сарипталаниб, алоҳида кўриклан ўтказилляпти.

А.ОРИТҚОЕВ, ЎзА муҳбири

Банк тизими

Жиззах шаҳрида истиқомат қилувчи, асли касби шифокор бўлган Исомиддин Турсуновни кўпчилик танийди. Унинг тиш доволайдиган клиникаси ва урология маркази бор. Бу жойларда замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган. Урология маркази 40 ўринга мўлжалланган бўлиб, касаллар ётиб даволанишлари ҳам мумкин. Шунингдек, бу ерда 22 киши иш билан таъминланган.


Бундай кенг кўламда иш юритишимизда "Тадбиркорбанк"нинг вилотиё божқармасининг ёрдами катта бўлмоқда, — деди "Қамола" хусусий тиббиёт фирмаси раҳбари Исомиддин Турсунов. — Бундан бир неча йил муқаллам дастлаб ўз маблағимга стоматология маркази очганим. Кейинроқ фаолиятимизни кенгайтирмоқчи эдик, маблағ етишмади. Шунда бизнес-режа тузиб, банкка мурожаат қилдик. Молия муассасаси раҳбарлари бизга уч миллион 627 минг сўм кредит ажраттишди. Аҳолининг эҳтиёжини ҳисобга олиб, бу маблағга урология маркази ташкил қилдик. Ҳозир бу ерда ҳар ойда 50 га яқин киши ётиб даволанмоқда. Шу билан бирга, 100 га яқин киши бизга маслаҳат билан мурожаат қилаётир.

Хусусий тиббиёт фирмаси жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида аҳолига олти миллион сўмлик хизмат кўрсатди. Жамоанинг мақсади эса одамларга янада сифатли ва малакали хизмат қилишдан иборат. Шу боис ҳозир эгасини рўйсумдаги асбоб-ускуналар харид қилиш устида иш олиб боришмоқда.

Бу "Тадбиркорбанк"нинг вилотиё божқармаси томонидан кредит маблағларини халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорларга ажратилаётганидан бир шингил, ҳолос. Айниқса, ишлаб чиқарувчилар банк кўмағида харидорлар ва импорт ўринни босадиган маҳсулотлар тайёрлаб, вилотиё истеъмол бозорини тўлдиринишга муносиб улаш бўлиб кўшяпти. "Авесто-М" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси — шулардан бири. Фирма раҳбари Мўмин Маҳмудов тикувчилик билан шугулланиш учун хомашё сотиб олиш мақсадида бизнес-режа тузиб, банкка мурожаат қилган эди. Тадбиркорга беш миллион сўм миқдорда кредит берилди.

Айни пайтда бу ерда турли фасондаги аёллар кўйлақлари, пахта масумида фойдаланиладиган фартуклар, иш кўлқоплари тикилиб, шартнома асосида харидорларга сотилипти. Маҳсулотлар сифатлилиги, пишиқлиги ва бошқа жойлардаги қараганда арзонлиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Пировардида фирма иқти-

Тадбиркорда рағбат уйғотиб



содий жиҳатдан тобора мустақамлашиб бормоқда. Шу билан бирга, бу ерда 18 киши иш билан бандлиги эътиборга сазовордир. Банк миқозларининг асосий қисми кичик ва ўрта бизнес соҳасида иш юритаётган тадбиркорлар ҳисобланади. Уларнинг 70 фоиздан кўпроғини эса деҳқон ва фермер ҳўжаликлари ташкил қилади. Мазкур йўналишдаги миқозларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муайян натижалар амалга оширилмоқда. Банк маблағидан самарали фойдаланган тадбиркорлар ўзларининг молиявий аҳолининг барқарорлаштириб гина қолмасдан, балки мўл-қўл миқдорда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирмоқдалар.

Шундай жамоалардан бири — Мирзачўл туманидаги "Маъшал" фермер ҳўжалиғидир. Фермер ўтган йили банкдан беш миллион сўм кредит олиб, трактор сотиб олганди. Натўжада жорий йилда экинларга ўз вақтида ишлов берилганлиги боис фалладан мўл ҳосил етиштирилди. Шартнома режаси ортиги билан бажарилиб, фермернинг ўзига ҳам бир неча тоннадан кўпроқ дон қолди. Устига устак 950 минг сўм соф фойда олди.

Умуман, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банк томонидан халқ ҳўжалигининг турли тармақларида фаолият кўрсатётган миқозларга 453,4 миллион сўм кредит ажратилди. Шунингдек, молиявий муассасадagi имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан 10,8 миллион сўм кредит берилди. Бундан ташқари, бу ишга бюджетдан ташқари жамғармалар ҳам жалб қилинмоқда. Улар томонидан 225,9 минг сўм маблағ узоқ муддатта ажратилгани фикримизнинг далилидир.

Кўрсатилётган молиявий хизмат маданиятини ошириш, хизмат турларини кўпайтириш, миқозларга қулайликлар яратиш бо-

расида ҳам жамоада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ширкат ҳўжаликлари марказлари ва қишлоқ жойларида мини банклар очилаётганлиги диққатга сазовордир. Улар миқозларнинг узоғини энгил қилмоқда. Боиси — барча банк операциялари ушбу кичик молия шохобчаларида бажариляпти. Айни пайтда вилотиёда тўртта шундай мини банк мавжуд.

Мақсадимиз миқозларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларга ҳар томонлама ёрдам беришдир, — деди банкнинг вилотиё божқармаси божқарувчиси Акмал Маҳаммадиев. — Қувончлиси, жамоамиз томонидан берилган кредитларнинг самараси кўзга аққол ташланмоқда. Миқозлар маҳсулот ишлаб чиқариб, нафақат вилотиё аҳолиси эҳтиёжини қондирыпти, балки уларнинг бир қисмининг республикамизнинг бошқа ҳудудларига ҳам юбориляпти.

Бугунги кунда банкнинг вилотиё божқармаси 2455 миқозга хизмат кўрсатмоқда. Туманларда унинг еттига бўлими фаолият юритапти. Келгусида кўрсатилётган хизмат даражасини янада ошириш, кредит маблағларини импорт ўринни босадиган ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларига ажратиш, шу тарихда вилотиё иқтисодиётига қўшаётган улушини кўпайтириш учун банк ходимлари астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ҳосил КАРИМОВ, "Халқ сўзи" муҳбири.

Бош котиб қоралади

БМТ Бош котиб Кофи Аннан Исроилнинг Газа секторидagi фаластинликлар яшовчи уйлари қўлга ҳўжумини қоралади. Ташкилотнинг бош матбуот котиб Фред Экхара ана шу ҳақда маълум қилди. Унинг айтишича, "Исроил беғуноҳ одамлар қурбон бўлишининг олдини олини керак. Бунга у ҳам юридик, ҳам маънавий жиҳатдан жавобгардир. Исроил томонининг аҳоли яшовчи уйлари ракета зарбалари бериши унинг ўз бурчинини тўла бажара олмайётганидан далолат беради".

"Рейтер" агентлиги тарқатган ахборотига қараганда, ҳўжум оқибатда 10 дан зиёд киши ҳалок бўлган ва 100 дан зиёд киши жароҳатланган.

Уруш тугайди...ми?

"Би-би-си" радиосининг маълумотига қараганда, Руанда ва Конго Демократик Республикаси делегациялари вакиллари Конога 4 йилдан буён давом этаётган урушнинг тўхтатиш ҳақидаги шартнома иш қўлланган. Жанубий Африка Республикаси вице-президенти Джейкоб Зуманг айтишича, Преторияда беш кун давомда ёпиқ эшиклар ортида олиб бориладиган музокаралардан сўнг ана шундай тўхтама келинди.

Эслайтиб ўтамиз: 1999 йилдан буён давом этаётган ушбу уруш оқибатда 2 миллиондан зиёд киши қурбон бўлди.

Де Мелло — янги Олий комиссар

Бирланган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳўқуқлари бўйича янги Олий комиссари таъинланди. "Ассосейтед пресс" ахборот агентлигининг маълумотига қўра, инсон ҳўқуқлари бўйича амалдаги комиссия раҳбари Мари Робинсоннинг ўринини Сержио Вейсера де Мелло эгаллайди. Де Мелло айни пайтда БМТнинг Шарқий Тимордаги миссиясига раҳбарлик қилган.

Табиий офат

Венесуэланинг марказий ва жанубий ҳудудларида юз берган тошқинлар оқибатда 4 киши ҳаётдан кўз юмди. Минглаб кишилар бошпанасиз қолди. "Рейтер" агентлигининг маълумотига қўра, табиий офатдан, айниқса, Ауэр иттиги катта талофат кўрган. Оқибатда 3000 дан зиёд киши ўз уйлари тарк этишга мажбур бўлган.

Фоссет рекорд ўрнатмоқчи

Машҳур сайёҳ Стив Фоссет Янги Зеландияга етиб келди. У ўзининг планердагы стратосферга чиқини рекордлаштирмоқда. "РИА"Новости" хабарига қўра, агар унинг уринишлари амалга осса, планерда балаандликка кўтарилиш бўйича янги жаҳон рекорди ўрнатилган бўлади.

Айни пайтда бундай рекорд 1986 йилда Калифорнияда ўрнатилган ва у 14938 метрга тенгдир.

Эслайтиб ўтамиз: Стив Фоссет шу ойнинг бошида биринчи бўлиб ер юзини ҳаво шарида бетўхтов кезиб чиқди.

Прокурор "леденец"ларга қарши

АКШнинг Мичиган штати Бош прокурори иккимдани "леденец"ларнинг сотилишини ман қилишни сўраб, тегинли одамларга расий хат юборганининг маълум қилган. Унинг айтишича, ушбу маҳсулотнинг маънаси ва чиройи қадокланиши болавларнинг эътиборини тортмоқда. "Ariva" фирмаси президенти эса, леденецлар воғта етмаганларга сотиш учун мўлжалланганлигини таъкидлаган.



Нозоқат УСМОНОВА, ЎзА муҳбири

Қадриятларимиз

Жаркўрғон минораси

Жаркўрғон минорасининг қурилганга 900 йил тўлиди. Миноранинг баландлиги 22 метр. Кўйи қисмининг диаметри 5,4 метр. Саккиз қиррали пойдевор устига ярим айлана шаклида 16 қиррали қилиб қурилган бу архитектура ёдгорлигининг ғишталари ҳалиям увалanganи ё шўралагани йўқ. Асрлар давомида кўнган чағ-ғуборлар чинқиллаб турган ғиштар сеҳрини йиллар шамолидан муҳофаза қилиб тургандай.

Минора пойида бу ёдгорликнинг 1108-1111 йилларда Али ибн Муҳаммад ас-Сарахсий исми уста томонидан бунёд этилганини билдирувчи ёғоч лаҳза бор. Лекин устанинг минора пештоқларида ғиштин харфлар билан битиб кетган ёзувлари маъноси ҳали ҳам биз учун тилсим. Тўғри, бу ёзувларни В.Шикшин ва М.Массон каби қадимшунос олимлар вақтида ўқитгандай бўлишган. Лекин бу ўқувлар янада мукамаллаштирилсами, минора қурилишига ва умуман ўша замон тарихига оид бизга мунозарали бўлиб кўринган муаммолар янада мунаварлашган бўлар эди.

Абдулла Раҳмонов Жаркўрғон саудо ишлаб чиқариш деб аталадиган кичкинагина қорхонанинг раҳбари. Энди йигирма бешини тўлдирган фахми-фаросати зўжко йигит. Дорифулуннинг иқтисодий факультетини ўқигани билан тарихга қизиқди. Фиръонларнинг ёки князларнинг ҳам кўра ўз қишлоғининг тарихини, ўз шаҳарининг кўпроқ ўқийди.

Шу йигит аждоғларни хотирлаш бўлса, бир иш қилайин, деди. Али ибн Муҳаммад бобомиз руҳларига хатми Кўрғон бағишлаб, минора тевағарида гузар қуришни бошлаб юборди. Ҳамқишлоғи Нурхон Тўраев энг шимариб ғишт терди. Хоразмдан келган Улуғбек, Хурмабтой исмли усталар унга қамарбасталик қилишди.

Кўз қўрқоғу қўл ботир экан. Хотира ва Қадрият кўни Абдулла гузарни очиб, элга ош — Бекор эдим. Ишли бўдим, — дейди Абдулланинг ҳаммадан миннатдор бўлиб минорлик ногирон Ч.Июлошев. — Қўриб туриб-сизни, пойабзал таъмирлашми. Гузаримизда учта дўшак, саргарошона, чойхона ишлаб турибди.

Гузар очилди, минора қайта қурилгандай тағин ҳам қолди ростлангандай бўлиб қолди, — дейди Минор фуқаролар йигини раиси Э.Ҳолиёров. — Минора тевағаридаги дилқас гурунлар. Келин-куёвлар базми. Бошқа талбирлар. Қаранг, эътибор бериб турсангиз гузаримиз нимаси биланқир Тожмақдали эслатади.

Туманимизда 59 та маҳалла фуқаролар йигини бор экан, — дейди Ҳолиёров гапининг давом эттириб. — Шулардан йигирматасида маҳалла гузарлари ишлаб турибди. Буларнинг ҳаммаси, табиийки, мустақиллигимиз йилларида қурилган.

«Фотопарат ҳақидаги гапини Абдулла унутмаган экан. Хайрашайтанамизда у мени четта тортиди. Саволга жавоб бериб, мен унга фототрафияни XIX асрнинг ўттизинчи йилларида Луи-Жак Дагер исми француз келтирилган бир ривоят қилган Минор қишлоғи бугунга келиб яна обод. Бу ободлик ҳам табиийки, ўша минора билан боғлиқ. Гап шунданки...

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Угам дарёсида. Н.МУҲАММАДЖОНОВ сурат - лавҳаси

«Паноҳ шўласи»... Кўзи оғиз ва ногирон болалар ҳамда ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадини қўлаб ўзбекистон Республикаси Ақлий вақарлигининг 2000 йил 18 июлдаги 425-сонли қарори билан ташкил этилган жамғарма ана шундай аталади.

Мана, орадан 2 йил ўтди. Ушбу нодавлат-хайрия бирламиси иши давола оёқ босиб кетди-ми? Унинг меҳр-мураватта муҳтож болаларга ердими тегатганим? Олдид қандай вақарлар, муаммолар турибди? Бизнинг мақур жамғарма бошлари Солиқ ҲАСАНОВ билан суҳбатимиз ана шундай турисада борди.

— Солиқ ака, республикамизда кўзи оғиз ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қиладиган бошқа бир хайрия-жамғармачилик ташкилоти ҳам бор. Сиз бошқача жамғарма ушбу нимас билан фарқ қилади? — Сиз эслётган жамғарма катта ёшдаги кўзи оғиз кишиларни ижтимоий ҳимоялаш билан шуғулланади. Аммо у тарихий ҳақиқатнинг ўзиде барча ёшдаги кўзи оғиз ва ногирон одамларга ердим бера олмайдим. Бизнинг жамғармаимиз, худди шу нуқта назардан келиб чиқиб, асосан, кўзи оғиз ва ногирон болаларга ҳамда ёшларга ердим кўрсатиш учун ташкил этилган.

Мамлакатимизда Президентимизнинг ташаббуси ва раҳнамоллигида ёш авлоди баркамол қилиб тарбиялаб етиштиришга катта эътибор кўрсатишмоқда. Жамғармаимиз шу вақарларнинг таркибий бир қисмини — кўзи оғиз ва ногирон болалар ва ёшлар замонавий таълим-тарбия олиши, жамият хизматига ярайдиган шахслар бўлиб етиштирилиши учун давлат миқсотида олам борилётган савб-харакатларга ўз улусини қўшиб келаяпти. Жамғармаимизнинг ҳозирча

«Паноҳ шўласи» порлайдимми?

Бу фақат жамғармага эмас, балки сизга, бизга, кенг жамоатчиликка боғлиқ

Тошкент шаҳрида ва пойтахт вилоятида, Жиззах, Андижон, Фарғона вилоятларида бўлимлари ташкил этилган. Бироқ бошқа вилоятларда ҳам худди шундай болалар ва ёшлар бор. Демак, Қорақалпоғистон Республикасида, қолган вилоятларда ҳам жамғармаимизнинг бўлимларини очиб, фаолиятини йўлга қўйиш нафақатга вақарларимиздир. Асосий мақсад республикадаги барча кўзи оғиз ва ногирон болаларни аниқлаб, уларнинг шароитини ўрганиш, касалликларига ташхис қўйиш, тиббий ердим кўрсатиш ва таълим-тарбия олишлари учун уларнинг иқтисодлашган таълим-тарбия мактаб-интернатлари тизимини яратиш, керакли ишончалар очибта қўлақлашдан иборатдир.

— Утган икки йил ичиде жамғарма қандай фаолият олиб борди? Натияжалари сизни қониқтирдими? — Бу даврда айрим муруватли ишларни амалга оширдик. Масалан, Тошкент шаҳридаги махус кўзи оғизлар ва ногиронлар мактаб-интернатларида 700 миңг сўмлик ўқув қуроллари ва асбоб-ускуналар ҳадя қилдик. Андижон шаҳридаги махус мактаб-интернат қошида ҳаммом қурилмоқда. Сентябрь ойида ўқилганнига ташкилоти ташкилоти. Умуман, андижонликларнинг ногирон, кўзи оғиз болаларга алоҳида ғамхўрлик билан

қараётганини бошқа вилоятларга ибрат қилиб кўрсатсам арзийди. Жамғармаимизнинг Андижон вилояти бўлими худди шундай мақсатларда чет эллардаги хайрия ташкилотлари билан ҳам ҳамкорлик қилапти. Масалан, АҚШдаги «Каунтерпарт

доқларимиздаги шундай ердима муҳтож болалар ҳозир эътибордан бироз четда қоляпти. Биз ақинда Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани қишлоқларида текширишлар ўтказиб, бу тумандаги қишлоқларда 30 нафар кўзи оғиз ва 180 нафар кўз касалликларига ураган болалар борлигини аниқладик. Тошкент вилоятида эса 15 та туман бор. Демак, ногирон болалар аҳолини ўрганиш ишини давом эттиришимиз керак.

Республика болалари ўртасида кўз касалликлари тарқалишининг олдини олиш мақсадида офталмологлар билан дастурли иш ташкил қилдик. Ҳозир улар жамғарма билан ҳамкорликда болалар кўз касалликлари ва уларнинг тарқалиш сабаблари ўртасида тарбиявий-оммабоп рисолалар тайёрлашяпти. Уларни нашр этишга «ЮНИСЕФ» идоравий ташкилот ердим берапти. Бундан ташқари, кўзи оғиз ва ногирон болалар ва ёшлар билан ишлайдиган мутахассис педагог-тарбиячиларни қўлайтириш мақсадида халқ таълими бўлими ходимлари, мактаб директорлари ва ўқитувчилар, тарбиячилар иштирокис семинарлар ўтказаямиз. — Қандай муаммолар бор? — Ташкилотимиз ёш. Шунга боғлиқ равишда масалалар ҳам етарли. Шаксан ўзини кўзи оғиз ва ногирон болаларнинг келажagini ўйлаб, айрим ма-

Машғулотлар қизиқарли ўтди

Тошкент вилоятидаги «Меҳрзон» ёш соғломлаштириш оромгоҳида ташкил этилган «Аэротур-2002» мактаби машғулотлари ақуналди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларидаги қишлоқ ҳўжаллига иқтисодлашган мактаблардан 60 нафар аълочи ўқувчи иштирок этди. Бу ерда улар учун салкам бир ой мобайнида соҳа илмий текшириш институтлари олимлари, ўқитувчилар, мутахассислар иштирокисда ўқув ва амалий машғулотлар ўтказилди. Ўқув жараёнида қишлоқ ҳўжаллида фойдаланилаётган замонавий техника, ишчи ва фойдали моделларнинг илмий-техник экспертизаси ҳамда интеллектуал мулк объектиларининг муҳофазаси, биотехнология ва ахборот технологиялари каби долзарб мавзуларда марзузалар ўқилди. Турли спорт муСОБАқалари, беллашу ва курик-танловлар ўтказилди. Назолат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

саламатларга кенг жамоатчилик эътиборини қаратмоқчилик. Масалан, бизда ҳозир 8 та мактаб-интернат бор. Энди вилоятларда ҳам шундай мактаб-интернатлар очиб керак. Бироқ бу иш ўрнидан силжмаяпти. Масалан, Фарғона вилоятида мактаб-интернат очибта қиришдик. Бино ҳам ажратилди. Уни таъмирлаш учун маблағ ҳам ўтказилди. Лекин, мана 3 йилдики, мактаб таъмирланмапти. Фарғоналиклар бу савоб ишни орқани ташламасалар миннатдор бўладик.

Республикаимизда ёшлар учун академик лицейлар, касбуналар коллежлари очилапти. Кўзи оғиз ва ногирон болаларимиз ҳам шундай муҳтожам замонавий таълим муСОБАСАларига эга бўладилар деган умиддамиз. Ниҳоят, бундай болаларни ва ёшларни иш билан таъминлаш тўғрисида ҳам ўйлашимиз керак. Бу энди давлат миқсотида халқ таълими доғар масалалар. Жамғармаимиз эса бу ишда имкон қадар қўлақлашяпти.

Энди кенг жамоатчиликка яна бир муСОБАқимиз бор. Жамғармаимиз ўзининг хайрия мақсатлари ва дастурларини амалга ошириш учун жиддий моддий-молиявий маалага муҳтож. Ҳозирги кунда эса жамғарма ҳатто ўз ишонасига ҳам эга эмас. Умид қилаймизки, ватандошларимиз орасида кўзи оғиз ва ногирон болаларнинг ўз ердимини амайдиган ташкилотлар олижаноб тадбиркор шахслар топилади. Шу ниятда жамғармаимиз ҳисоб рақамини яна бир қарра маълум қиламиз: Тошкент вилояти «Савдогарбанк» бўлими МФП 00835 х и т о б / в к а м и 2021000004075175001 и.н.н. 203353764.

Суҳбатдош: М.САФАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Самарқанд шаҳрида хар йили Хитой, Ҳиндистон, Таристон ва бошқа жойлардан, шунингдек, худда бой Самарқанд сарпантининг ўзини келтирилган моллар сотилади». Ушбу сатрлар кимнинг қаламига мансуб? 136-35-60

САВОЛ БИЗДАН...

Утган сонда берилган саволини жавоби: Эртунгнинг пойтахти Асмора. Бу ҳақда тошкентлик А. Бурҳонов ва Х. Абдуллаев хабар қилдилар.

МИРОБОД ТРАНСПОРТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

(13-касб-хунар мактаби) 2002/2003 ўқув йили учун 9-11 синф ўқувчиларини ўқишга қабул қилади. 9-синф битирувчиларини: электровоз машинисти ёрдამчиси; тепловоз машинисти ёрдამчиси; рефрежератор секцияси ва музлаттич дастгоҳлари механизми; газэлектр-пайвандчи; автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва тўзатиш бўйича уста; кичик ва ўрта бизнес ҳўсбачиси. 10-синф битирувчиларини: кичик ва ўрта бизнес ҳисобчиси; рефрежератор секцияси ва музлаттич дастгоҳлари механизми; авточилангар, газэлектрпайвандчи; электровоз машинисти ёрдამчиси; тепловоз машинисти ёрдამчиси. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Топширилган ҳўжжатлар: директор номига арзива; тузилганига ҳақдаги гувоҳнома; маълумоти ҳақдаги гувоҳнома; яшаш жойидан маълумотнома; 3х4 см. ҳажмдаги 6 донга фотосурат; 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома; тавсиянома. Шунингдек, коллежга умумтаълим ва махус фан ўқитувчилари ишга тақлиф қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Қодиров кўчаси, 12-уй. Тел.номери: 1-5, 26-қоғазлар, 25-автомобил. Телефонлар: 191-14-07, 93-01-91.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Мақамаси ҳўжжурини «Ўздавнефтегазинспекция» жамоеви инспекция бошқурунини ўринбосари Рустам Муродови Шералиевага умр йўлооши Феруза Қаримова ШЕРАЛИЕВНИНГ вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Мейморлар уюшмаси Тошкент шаҳри собиқ бош меймори Собир Раҳимович ОДИЛОВНИНГ вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аълолари ва ақинларига чўқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар архитектура-қурилиш назорат инспекцияси жамоеви Тошкент шаҳар ҳўкимининг ижроня мақамаси мейморчилик ва шаҳар қурилиши бош бошқармасида муқаллам бошқик лавозимда ишлаган Собир Раҳимович ОДИЛОВНИНГ вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аълолари, ақинларига чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институту ректорати ва жамоеви маънавият ва маърифат ишлари бўйича 1-проректор, одам анатомияси кафедраси мудир, доцент Сулнат Асомович АСОМОВНИНГ вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аълоларига чўқур таъзия изҳор қилади.

Педиатрия илмий-текшириш институту жамоеви дорихона мудир Зикрилло Мирзаевага волидаси ГҮЛНОРА ҳўжи онанинг вафот этгани муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мақлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Мақамаси

Бош мухаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахир хайъати:

Э. БОЛИЕВ (маъсул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (маъсул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош мухаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРХОДИЙ, И. ХУДОЕВ, И. ШОҒУЛОВ, О. ҚАМБЕРГЕНОВ (бош мухаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сўсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92 Иқтисодий — 136-36-65; 132-10-65 Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 133-07-48; Фан, соғлиқни сақаш ва халқ таълими — 132-12-08; Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 576, 36491 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан сақланган.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи мухаррир — Ф. САНАЕВ. Навбатчи — О. РАЖАБОВ. МуСОБАҲ — О. АБДУСАИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Булок Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириди — 20.40. 1 2 3 4 5 6

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИДА «ЭХТИРОМ» ЖАМҒАРМА ОМОНАТИНИ (1 ЙИЛ МУДДАТГА) ТАКЛИФ ЭТАДИ. Йилига 42% даромад келтирувчи ушбу омонатнинг талаб қилиб олинмаган фоизлари ҳар ойда капиталлаштирилганида даромад йилига 51,1%ни ташкил этади (омонатлар 50 ёшдаги ва ундан кекса бўлган фуқаролардан қабул қилинади). Шунингдек, қуйидаги бошқа турдаги омонатларга ҳам пул қабул қилиш давом этмоқда: «СЎМ КАРТОЧКАСИ» (пластик карточкалар қўлланилган ҳолда) — йилига 36 фоиз даромад келтирувчи ушбу омонатнинг талаб қилиб олинмаган фоизлари ҳар ойда капиталлаштирилганида даромад йилига 42,6%. Карточка эгаларининг ҳаёт ва саломатлиги бепул сўғурталади. «ТАЪТИЛ» (муддати 3 ой бўлган бу омонатнинг ҳисоб варақлари талаб қилиб олинмаган тақдирда шартнома муддати ўз-ўзидан узайтирилади) — йилига 36%; «ТЎЕНА» (2 йил муддатга) — йилига 30%; «САРПО» (3 йил муддатга) — йилига 31%; «КЕЛАЖАК» (камида 5 йил муддатга) — йилига 40%; «МУДДАТЛИ» (5 йил муддатга) — йилига 40%; «ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА» — йилига 10%. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки пулларингиз сақланиши ва даромад келтиришига қафолат беради. Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон рақамлари: (998-71) 137-62-83, 137-62-81 ёки Миллий банкининг исталган муассасаси орқали олишингиз мумкин. www.abu.com